Киши инфоқ қиладиган энг афзал дийнор – унинг ўз оиласига инфоқ қилган дийнори, Аллоҳ йўлида улови учун инфоқ қилган дийнори ва Аллоҳ йўлидаги ҳамроҳларига инфоқ қилган дийноридир», дедилар

Савбон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Киши инфоқ қиладиган энг афзал дийнор – унинг ўз оиласига инфоқ қилган дийнори, Аллоҳ йўлида улови учун инфоқ қилган дийнори ва Аллоҳ йўлидаги ҳамроҳларига инфоқ қилган дийноридир», дедилар». (Ровий) Абу Қилоба: «У зот оиладан бошладилар», деди-да, сўнг: «Ёш болаларига инфоқ қилиб, уларни иффатли қилган, у туфайли Аллоҳ уларни манфаатлантирган ва беҳожат қилган кишидан ажри каттароқ одам борми?» деди».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам инфоқ-эҳсон қилишнинг турли кўринишларини баён қилдилар ҳамда хайр-эҳсон йўллари кўпайиб, бир-бири билан тўқнаш келиб қолганда, уларни вожиблик даражасига кўра энг муҳимидан бошлаб тартибладилар. У зот хабар бердиларки, савоби энг улуғ бўлган маблағ — мусулмон кишининг ўз қарамоғидаги инсонларга, яъни аёли ва фарзандларига сарфлаган нафақасидир. Ундан кейинги ўринда — Аллоҳ йўлидаги жанг (жиҳод) учун тайёрланган уловга қилинган сарф-харажат туради. Сўнгра Аллоҳ йўлида мужоҳид бўлиб турган дўстлари ва ҳамроҳларига қилинган инфоқ-эҳсон келади.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3267